



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 103 (12.916)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ХУСУСИЙ МУЛК, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ, УЛАРНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТЎСИҚЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролни тубдан ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитали иштирокидаги улушнинг изчил ошириш мақсадида:

1. Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин, унда қуйидагилар инобатга олинсин:

тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуш ва тўсқинлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортиш даражасигача ошириш;

хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солидиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнини давом эттириш;

барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштириш;

хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, бизнес муҳитини яхшилаш.

Дастурга киритилган чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун шахсий жавобгарлик масъул ижрочилар – тегишли вазирликлар, идоралар, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар раҳбарлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари юклатилсин.

2. 2015 йилнинг 1 июлидан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжаликлари фаолиятига оид барча текширувлар режалар тартибда назорат органлари томонидан тўрт йилда бир мартадан, бошқа ҳўжалик субъектларида эса фақат Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиручи республика кенгаши қарорига асосан ўч йилда бир мартадан кўп бўлмаган тартибда амалга оширилад;

молия-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режалар текширувлар ўтказиш муддати 10 календарь кунидан ошмайди;

тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини режалар текширишлар фақат сўнгги текширувдан кейинги даврни қамраб олади;

қўзғатилган жиноий ишлар муносабати билан ҳўжалик юртувчи субъектлар фаолияти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳўжалик юртувчи субъект жалб этган адвокатлар иштирокида (ҳўжалик юртувчи субъект томонидан ушбу ҳуқуқнинг рад этилиш ҳолатлари бундан мустасно) амалга оширилад;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддасида назарда тутилган жиноятни (солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) биринчи марта содир этган, жиноят аниқлангандан кейин 30 кун ичида дав-

латга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пеня ва бошқа турдаги молиявий санкцияларни тўлаган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилмайди ва у жавобгарлигини озод қилинади.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси: тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари тўғрисидаги қонунчилиқнинг қатъий ижро этилишида қабул қилинган нормаларни амалиётга жорий этиш устидан назоратни кучайтирсин, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузганлик учун ваколатли назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ваколатли давлат органлари мансабдор шахсларининг муқаррар жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортишга қадар оширишни таъминласин;

2015 йилнинг 1 июлига қадар Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда «Ўзбектелеком» АК Қўнғироқларга хизмат кўрсатиш ягона маркази ва Бош прокуратура «ишонч телефони» базасида давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асосан аралашуш, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг бузилишига доир масалалар бўйича мунозабатларни туну кун қабул қилиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари тўғрисидаги қонунчилиқни бузишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўриш тизимини ташкил этсин.

4. Белгиланган қўйилсинки: тегишли даврони кўриб чиқиш даврида тадбиркорлик субъекти томонидан жиноят қилингандида судларга назорат қилувчи орган қарори ижросини вақтинча тўхтатиб туриш ҳуқуқи берилди;

солиқ ва бошқона қонунчилиги тадбиркорлик субъектлари томонидан бузилиши билан боғлиқ ҳолатда уларнинг мол-мулкларини фақат суд қарори бўйича мусодара қилинади; тадбиркорлик субъектлари томонидан эътироз қилинадиган қўшимча ҳисобланган бошқона тўловлари ҳўжалик суди қарори бўйича ундирилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан ҳамкорликда ўч йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаат ва ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, тадбиркорлик субъектлари давраларини кўриб чиқиш муддати, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали тезлаштиришни таъминлаш бўйича суд органлари роли ва фаолияти самарадорлигини янада ошириш борасида тақлифлар киритилсин.

5. 2015 йилнинг 1 июлидан яқка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятини келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридида сўғурта бадали ва яқка тартибдаги иш бевурич тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдоридида солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан ўч нафаргача ишчини ёллаш ҳуқуқи берилди.

Яқка тартибдаги тадбиркорлар касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежи битиргандан

бошлаб ўч икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатасининг туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизидида тадбиркорлик субъектларига «бир дарча» (кейинги ўринларда «бир дарча» марказлари) тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига адлия органлари ходимларининг чегараланган миқдорини сақлаб қолган ҳолда, «бир дарча» марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий қўмақ кўрсатиш вазифалари юклатилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан:

2015 йилнинг 1 июлига қадар турли идоралар ҳузуридаги «бир дарча» хизматлари томонидан кўрсатилаётган давлат хизматлари тўлиқ инвентаризациядан ўтказилсин, «бир дарча» марказлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар тизимига интеграция қилинсин, таъсис ҳўжатлари ва давлат хизматларидан фойдаланиш учун тақдим этиладиган бошқа ҳўжатлар, жумладан, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг намунавий шакллари ишлаб чиқилсин;

«бир дарча» марказларининг фаолияти 2016 йилнинг 1 январидан кечиктирмасдан бошланиши таъминлансин, шу муддатдан бошлаб «бир дарча» марказлари томонидан қўрсатилаётган хизматлар учун бошқа давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари тадбиркорлик субъектларидан бевосита ҳўжатлар қабул қилиш таққилансин.

8. Белгилансинки, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишдан тушаётган давлат божининг жами суммаси туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари даромадига, 2016 йилнинг 1 январидан эса «бир дарча» марказларини молиялаштириш манбаи сифатида уларнинг даромадига ўтказилсин, келиб тушган маблағлар фақат марказлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ходимларни рағбатлантириш мақсадларига йўналтирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчиликка ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар тақдим этсин.

10. Ушбу фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 15 май

ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚЎТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март кунини бўлиб ўтган сайловда Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳўкуматлар, халққара ташкилотлар ва етакчи компаниялар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан саниий тилаклар билдирилган қўтловлар келиши давом этмоқда.

Жумладан:
Европа Кенгаши Президенти – Дональд Туск
Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти – Жан-Клод Юнкер
Ҳиндистон Республикаси Бош вазири – Нарендра Моди
Филиппин Республикаси Президенти – Бениньо Акино
«Россия темир йўллари» ОАЖ президенти – Владимир Якунин
«Боинг» компанияси Директорлар кенгаши раиси ўринбосари, «Боинг – фуқаро самолётлари» компанияси президенти ва бош ижрочи директори – Рэй Коннер
Бирлашган Араб Амирликлариининг «Air Arabiya» авиакомпанияси бошқарув кенгаши раиси – Абдуллох бин Муҳаммад Ол Соний
«Исузу Моторс Лимитед» президенти ва репрезентатив директори – Сусуму Хосои
табрик йўллаган.

Қўтловлар келиши давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Хабар қилинганидек, Тошкент шаҳрида 2015 йил 15 май кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг тақлиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Мажлиси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисининг биринчи кунда сенаторлар томонидан 10 та масала кўриб чиқилди. Уларнинг 7 таси социал-иқтисодий, иқтимоий-сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштириш, инвестиция ва ишчанлик муҳитини яхшилаш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш, фуқаролар соғлиғи асралишини, ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонунлардир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисининг кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама этиш чоғида сенаторлар алоҳида таъкидлаганидек, қабул қилинган қонунлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 22 январда ўтказилган биринчи мажлисидаги нутқида ҳамда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 январда бўлиб ўтган мамлакатимизни 2014 йилда иқтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларида ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаларида баён этилган вазифаларнинг рўёбга чиқарилишига ҳўмаклашади.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ХУСУСИЙ МУЛК, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ, УЛАРНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТЎСИҚЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортқча бюрократик тўсиқ ва говларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

2012-2014 йилларда хусусий мулк мавқеини ошириш ва уни ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитларини янада яхшилашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг ўч бешдан ортқ қонуни, жумладан, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида (янги таҳрирда)», «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-

таомиллари тўғрисида», «Рақобат тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56 фоизга етди, иш билан банд аҳолининг 77 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва ўлинини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотда, жумладан, хориж сармояси ишти-

рокидаги улушини изчил ошириш учун янада қўлай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратишга қаратилган.

Фармонга мувофиқ хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, уларнинг жадал ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этишининг тўртта асосий йўналиши бўйича асосан жорий йилда амалга ошириладиган ўчтиз ўчта аниқ чора-тадбирни кўзда тутувчи комплекс Дастур тасдиқланди.

Чора-тадбирлар дастурида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш, уларни ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш тартибини янада соддалаштириш, маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш ҳисобидан тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга алоҳида эътибор қаратилган.

мий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Тадбирда «Ўзбекистонда оила мустаҳкамлигининг долзарб масалалари», «Миллий қадриятларни қадрлаш ўзликни англашдир», «Аёлнинг ҳаёси унинг турли фазилатлари ичра марваридга қиёсдир» ҳамда «Кексаларни эъзозлаш қадрияти» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

• Андижонда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда давлат органлари билан нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий шериклиги масаласига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда жорий йил учун эълон қилинган грант танловларида

иштирок этиш, лойиҳалар тайёрлаш ва тақдим этиш бўйича мутахассислар томонидан зарур маслаҳат ва тавсиялар берилди.



• Хитой Бразилияга инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун 50 миллиард АҚШ доллари миқдоридида инвестиция киритади. Бу ҳақда «CNN Expansion» телеканали Бразилия ташқи ишлар вазирлигининг Осмёи ва Океания ишлари бўйича вакили Жозе Альфред Грасга асосланиб хабар тарқатди.

• АҚШнинг Небраска штатида парранда гриппи билан боғлиқ фавку-

лодда ҳолат жорий этилди. Гап шундаки, ҳозир бу ерда мазкур хасталиқнинг «H5N2» тури билан зарарланган 33 миллион донга яқин товуқ ва курка аниқланган. Уларнинг бир қисми йўқ қилинган. Аини кунларда тозалаш тадбирлари давом эттирилмоқда.

• Испаниянинг «Telefonica» телекоммуникация компанияси жорий йилнинг биринчи чорагини яхшигина даромад билан яқунлади. Бу даврда корхона кўрган соф фойда миқдори ўтган йилнинг дастлабки чорагидида нисбатан 2,5 фоиз ўсган. Натижада у 1,8 миллиард евро миқдорида маблағ ишлаб олган.



• Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим мактабларининг 5-9-синф ўқувчилари ўртасида «Жаҳолатга қарши маърифат» шиори остида ўтказилаётган республика ижодий ишлар танловининг Бухоро вилояти босқичи бўлиб ўтди.

• Жиззаҳда «Аёл – маънавият гулшани» деб номланган республика ил-

Тўртинчи босқич: викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Савол:

Амир Темур хиёбони номи қачон марказий хиёбон номи ўрнига берилган?

Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хиёбонлар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакрор шаҳримиз кўрғига кўрк қўшмоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга оцаётган ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг қўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртини ўрганишдан бошланишини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми» —

«Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти «Сиз Тошкентни биласизми?» викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталаримизда викторина саволлари эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб голиб саналади.

Ҳар ўн та саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган голиб аниқланади.

Голибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мулқ голиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририятига ёки gazeta-vto@mail.ru, info@tashkent.uz электрон манзиллари-га йўлланиси лозим.

Мурожаат учун телефонлар: 233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

НУРОНИЙЛАР — УМР ЧИРОҒИ

«Кексалар — умр чироғи», дейди доно халқимиз. Бу бежиз эмас. Нуроний отахону кекса онахонларимиз умргузаронлик қилаётган хонадонлар доимо чароғон, оилада тарбия топаётган фарзандлар меҳр-оқибатли, диёнатли ва соф қалбли бўлиб вояга етади.

300-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида ўтказилган «Кексалар — умр чироғи» деб номланган тадбир давомида ҳам ана шулар ҳақида сўз борди. «Кексаларни эъзозлаш йили» муносабати билан ўтказилган бу давра суҳбатда Сергели туманида истикомат қилаётган фахрийлар иштирок этдилар. Улар «Нуроний» жамғармаси томонидан кўрсатилаётган ҳамхўрлик, «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг эътибори ҳақида тўқилганиб сўзладилар.

— Мактабимизда нуроний отахон ва онахонлар

билан учрашувлар ўтказиб турилади, — дейди 300-ДИУ мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Нигора Саидхўжаева. — Бундай давра суҳбатлари ва тадбирлар ўқувчи-ёшларнинг маънавиятини юксалтиришга, гўзал ва обод юртининг кексалари ўғитлари билан иш тутishi хайрли эканлигини англашга ўргатади.

Меҳрибону РАВШАНОВА, Сергели туманидаги 300-ДИУ мактабининг 8-«А» синф ўқувчиси

Беларусь пойтахти Минск шаҳрида бокс бўйича ўтказилган аънавий халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 2 олтин, 4 кумуш ва 2 бронза медални қўлга киритди.

Спорт

БОКСЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Вазни 52 килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари бахсларида Шахобидин Зоиров, 91 килограммдан оғир бўлган боксчилар ўртасида Баҳодир Жалолов барча рақибини мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди. Муроджон Аҳмадалиев, Махмуд Ғолипов, Зухриддин Маҳмамов ва Рустам Тулаганов ўз вазн тоифасида кумуш медал билан тақдирланган бўлса, Абдулла Қўчқоров ва Элнур Абдураимов учинчи ўринни эгаллади.

Б.АЙМУРОДОВ, ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



UZTELECOM

Хурматли мижозлар,
«Ўзбектелеком» АК нинг
«ТШТ» филиали маълум
қилади:

Кўрсатилаётган хизматларни яхшилаш ва телекоммуникация тармоқларини такомиллаштириш мақсадида, Марказий телефон боғламаси 222/223-ЭАТСда жорий йилнинг май ойида ускуналарни режали реконструкция қилиш ишлари амалга оширилади.

Ўтказиладиган реконструкция ишлари муносабати билан кўчириб ўтказиш ишлари вақтида алоқада ва интернет хизматида қисқа муддатли носозликлар бўлиши мумкин, етказилган ноқулайликлар учун олдиндан узр сўраймиз.

Қайта уланишга тегишли бўлган манзиллар:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 18-мавзе, «Оқтепа» маҳалласи.

Маълумот учун телефон рақамлари: 222-21-70

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

20 ЙИЛЛИК ВАҚТ БИЛАН СИНАЛГАН ИШОНЧЛИ ҲАМКОР
«Respublika mulk markazi» АЖ хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги барча фуқароларни хўжалик юритувчи субъектлар устас фондидagi улушлари, автомобилотранспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва кўчмас мулк ҳисобланмайдиган бошқа турдаги мол-мулкларнинг оммавий савдоларида иштирок этишга тақлиф этади.
Телефон: (0 371) 228-79-52, 228-80-31. www.rmm.uz

«Respublika mulk markazi» АЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога ДУК «Тошкент метрополитени»нинг 14.05.2015 йилдаги Н-94-сонли буюртманома хатига асосан Тошкент метрополитенига тегишли, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 93-А-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Краз» русумли, давлат рақами 01/509 ZBA бўлган, 1977 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 46 808 000 сўм.

2. «Газ-53» русумли, давлат рақами 01/921 ZBA бўлган, 1978 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 15 762 300 сўм.

3. «Зил-130» русумли, давлат рақами 01/543ZBA бўлган, 1979 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 24 000 000 сўм.

4. «Газ-53К0-503» русумли, давлат рақами 01/542 ZBA бўлган, 1980 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 24 718 500 сўм.

5. «Маз-53345К0-3577» русумли, давлат рақами 01/922 PBA бўлган, 1986 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 47 459 600 сўм.

6. «Кавз-3270» русумли, давлат рақами 01/539ZBA бўлган, 1987 йил иш-

лаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 8 982 400 сўм.
7. «Газ-6611» русумли, давлат рақами 01/540 ZBA бўлган, 1988 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 7 816 600 сўм.
8. «Газ-53» русумли, давлат рақами 01/418 RBA бўлган, 1990 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 11 650 000 сўм.

9. «Газ-3102» русумли, давлат рақами 01/544 ZBA бўлган, 1998 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 12 061 000 сўм.

10. «Уаз-315122» русумли, давлат рақами 01/051 VCA бўлган, 2004 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 13 070 900 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 1 июнь кuni соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишининг охириги муддати: 2015 йил 29 май кuni соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2015 йил 1 июнь кuni сотилишдан тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 11 ва 22 июнь, 2, 13 ва 23 июль, 3, 13 ва 24 август кунлари соат 11:00 да ўтказила-

ди. Аризаларни қабул қилиш: 2013 йил 11 июндаги такрорий савдолар учун 9 июнь кuni соат 18:00; 22 июндаги савдолар учун 19 июнь кuni соат 18:00; 2 июлдаги савдо учун 30 июнь кuni соат 18:00; 13 июлдаги савдолар учун 10 июль кuni соат 18:00; 23 июль кuni соат 18:00; 3 августдаги савдо учун 31 июль кuni соат 18:00; 13 августдаги савдо учун 11 август кuni соат 18:00; 24 августдаги савдо учун 21 август кuni соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатлат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатлат келишувга асосан мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини «RMM» АЖнинг ОАИКС «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-ўй. 228-79-52. Гувоҳнома №001580.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатлат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатлат келишувга асосан мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини «RMM» АЖнинг АИТБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-ўй. 228-79-52. Гувоҳнома №001580.

«Respublika mulk markazi» АЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази»нинг 14.05.2015 йилдаги 28-05-148/11-сонли буюртма хатига асосан, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ўзбекистон шох кўчаси, 15-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари тақдоран қўйилмоқда:

1. «Нексия Донс» русумли, давлат рақами 01/356NDA бўлган, 2003 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 24 061 442,7 сўм.

2. «Нексия Сонс» русумли, давлат рақами 01/357NDA бўлган, 2004 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 25 592 157,3 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 4 июнь кuni соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул

қилишининг охириги муддати: 2015 йил 2 июнь кuni соат 18:00.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатлат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатлат келишувга асосан мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини «RMM» АЖнинг АИТБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-ўй. 228-79-52. Гувоҳнома №001580.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатлат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатлат келишувга асосан мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини «RMM» АЖнинг АИТБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-ўй. 228-79-52. Гувоҳнома №001580.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бoshқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашриет етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.ru

Буюртма Г- 555

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11298 нускада босилди.

Қозғоқ бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ